# Тошкент оқшоми

2014 йил 10 май, шанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (12.653)

Баҳоси эркин нархда


## ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

### Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўътабардир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиладиган, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу маросимдир.

Бундай кунларда бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

– Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улуғ айёмни, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, – деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. – Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адо этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимиз учун жанг майдонларида жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоҳларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отахон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдираман ва уларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, бахтли ҳаёт тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга файз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини, бу ҳаёт ғанимат эканини унутмаслигимиз зарур, десам, барчанинг фикрини ифодалаган бўламан.

Айтиш мумкинки, кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз қурбонларга, эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва офатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугаганидан буён орадан қарийб 70 йил ўтмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўқки, бу машъум урушни эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Ўйлайманки, бу борада баъзи бир рақамларни такрор ва такрор эсимизга олишимиз, болаларимизга, ёш авлодимизга етказиб туриш учун уларни доимо хотирамизда сақлашимиз даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Агар урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи жангларда қатнашган. Ёки ўша пайтдаги халқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлига қурол олиб, жангу жадалларда иштирок этган, қонини тўккан.

Ўша ёвуз урушда 500 мингга яқин юртдошларимиз ҳалок бўлган, қанча одам бедарак кетган, қанча-қанча инсонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан ғалаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унутилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва буни бирортамиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли **Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охирги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган халқимизнинг фидойилиги, бағрикенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади,** деб таъкидлади Юртбошимиз. Шунинг учун ҳам урушда ҳалок бўлганларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини азим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида **олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйиб, бундан 16 йил олдин 9 май санасига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.**



**Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унутилмайди.**

Президентимиз уруш ҳеч қачон қайтарилмаслиги учун бундай фожиа ва балоларнинг олдини олиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Афсуски, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз.

**Айрим жойларда қон тўкилаётгани, низо ва адоватлар авж олаётгани, фашизм деган бало яна бош кўтараётгани, миллатчилик, шовинизм каби хавфли офатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.**

Бугунги кунда ҳар бир инсон албатта бундай ғоят хавфли ҳолатларни, шулар қаторида собиқ иттифоқ ҳудудларида пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни кўриб, кеча яқин дўст бўлганлар эртага ўзаро душманга, ўта хатарли вазият юзага келиб қонли урушга айланиб кетмаслигини истайди.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро ҳуқуқий нормаларда белгилаб, муҳрлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонликка, куч ишлатишга йўл қўймасликдир.

Юзага келадиган қарама-қаршиликларни, низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш лозим, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегаралари дахлсизлигининг бузилишига йўл қўймаслик зарур.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Бутун дунё халқларининг эзгу орзуси, хоҳиш-иродаси битта. У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин, деган талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига тўғри келади. Чунки, ҳеч қайси халқ урушни хоҳламайди. Бизнинг ён қўшнимиз бўлган Афғонистон халқи ҳам, агар ўз ҳолига қўйса, ўзаро келишиб, тинч ҳаёт кечирган бўларди.

Биз қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишини истаймиз. Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни икки томонлама асосда ташкил қилишни маъқул деб биламиз.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, яна бир бор таъкидламоқчиман, деди Ислом Каримов, бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган халқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта курашишимиз даркор.

Менинг ишончим комил: орқамизга қараб, холисона баҳо беришимиз зарур. Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Бугунги одамларимиз, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яққол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Президентимиз.

Содда қилиб айтганда, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонлар билан 90-йиллардаги одамлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Шу ҳақда гапирганда, биз, авваламбор, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машаққатли синовларни бошимиздан кечиришга тўғри келмасин, ўзимизнинг ориятли, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик. Ва узоқни кўзлаб олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавф-хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобидан, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ халқимиз борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёти ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз.

Айниқса, ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз, деди Ислом Каримов.

Жорий йилга юртимизда Соғлом бола йили, деб ном берганимиз, ҳеч шубҳасиз, айни шу йўлда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни янги юксак босқичга кўтариши ва улкан натижалар бериши муқаррар.

Мана шундай ниятларимиз бугун рўёбга чиқаётганига яқинда Қорақалпоғистонга борганда катта бир қурилиш – Сурғил газ-кимё комплексида бўлган суҳбатда гувоҳ бўлдим.

Дунёда камдан-кам учрайдиган қиймати қарийб 4 миллиард долларлик ана шу комплексни қуришга Жанубий Кореядан келган, кўп мамлакатларда бўлган мутахассисларнинг ёшларимиз ҳақида ўз таассуротини яширмасдан, балки ғурурланиб гапирганини айтишни жоиз, деб биламан.

Айниқса, кореялик иш бошқарувчи, яъни менежернинг айтган сўзлари эсимда қолди. У биз дунёнинг кўплаб мамлакатларида мана шундай объектларни барпо этишда қатнашганмиз, деди. Лекин, ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зеҳни ўткир, интилувчан ёшларни кўрганимиз йўқ. Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизда ҳайрат уйғотди, деган гаплари, ўйлайманки, барчамизга мамнуният етказмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ёшларимизни, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чеҳрасига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Оллоҳдан тинчлик, осойишталик беришини, ёмон кўзлардан асрашини сўраймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барча-барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди Президентимиз.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Хоразм вилоятида «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ёш олимлар, таниқли маданият ва санъат намояндалари, кино ва театр актёрларидан иборат тарғибот гуруҳлари вилоятнинг олис қишлоқларида бўлиб, ёшлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказди. «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Ҳоким ва ёшлар учрашуви» каби маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.**

**● Жиззахда «Аёл ва маънавият» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари муассасаларининг хотин-қиз профессор-ўқитувчилари, олималар, вилоятлар хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ва мутахассислари иштирок этди.**

**● Қўқон шаҳрида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида кўргазма ташкил этилди. Унда юзга яқин ёш ҳунарманд, тадбиркор ва фермерлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш этди.**

**● Бухорода соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва мутахассислар иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Япония парламенти Конституцияга ўзгартишлар киритиш мақсадида референдум тўғрисида қонун қабул қилди. Ушбу қонунда жумладан, 18 ёшга кирган фуқароларнинг овоз беришда қатнашишлари кўзда тутилади. Аввал овоз бериш ёши 20 га тенг эди.**

**● Хитой автомобиль бозорига нархи 803 минг доллар ёки 5 миллион юанга баҳоланаётган Red Flag L5 лимузини чиқарилди. Хитой автомобиль саноати тарихидаги энг қиммат автомобилни Volkswagen AG'нинг Хитойдаги ҳамкори ҳисобланган China корпорацияси ишлаб чиқди.**

**● Мисрнинг жанубида археологлар томонидан 5,6 минг йиллик мақбара топилди. Фиръавнларнинг илк сулолалари тарихи эрамизгача III минг йил олдин бошланганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу мақбаранинг энг биринчи шоҳлар сулоласидан деярли 600 йил олдин бунёд этилганлигини таъкидлаш мумкин.**

**● Бразилияниг Кияб шаҳрида жорий йилда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига мўлжаллаб бунёд этилаётган «Арена Пантанал» стадиони қурилишида телекоммуникация тармоғини ўрнатиш чоғида ток уриши натижасида 32 ёшли кабелчи ҳаётдан кўз юмди. Айтиш кераки, бу Бразилияда жаҳон чемпионати ўтказилиши олдидан амалга оширилаётган қурилишларда ҳалок бўлган саккизинчи одамдир.**

# ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон корхоналари жорий йилнинг биринчи чорагида юқори ишбилармонлик фаоллигини намоён этди. Бу товар ва хизматларга бўлган ички талабнинг ошиб бораётгани, ишбилармонлик муҳитининг тобора яхшиланаётгани билан боғлиқ.***

Бу Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси мутахассислари томонидан мамлакатимизнинг юзлаб корхоналари раҳбарлари ўртасида ўтказилган навбатдаги бизнес-сўров натижасидир. Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги ва муҳити индекслари» мавзусидаги медиа-брифингда 2014 йилнинг биринчи чорагидаги маълумотлар таҳлил этилиб, иккинчи чорак прогнозлари муҳокама қилинди.

Ишбилармонлик фаоллиги ва ишбилармонлик муҳити индексларини ҳисоб-китоб қилиш тадбиркорларнинг кайфияти ва ишбилармонликнинг жорий аҳволини аниқлаш, мониторинг тартибида ишбилармонлик фаоллигини кузатиш, бу борадаги тенденциялар ва келажакдаги прогноз кўрсаткичларни белгилаш имконини беради. Бунинг учун саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида бизнес-сўров ўтказилаётир.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази маълумотларига кўра, 2014 йилнинг дастлабки чорагида ишбилармонлик фаоллиги индекси плюс 25,5 даражани ташкил қилган ва бу ўтган 2013 йилги кўрсаткичдан 7,3 даража яхшидир. Айниқса, Андижон, Бухоро ва Навоий вилоятлари корхоналарида юқори ишбилармонлик муҳити кузатилмоқда. Тақдим этилган олти соҳа орасида саноат, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа тармоқлари етакчилик қилаётир.

Мамлакатимиз корхоналари раҳбарлари ҳам ўз бизнес муҳитини баҳолади. Жорий йилнинг январь-март ойларида ишбилармонлик муҳити индекси плюс 24,7 даражани ташкил этди. Қонун ҳужжатлари ва замонавий технологиялар ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланиш, маҳаллий ҳокимият органлари ва солиқ идоралари томонидан қўллаб-қувватлаш бизнесни ривожлантириш учун энг қулай омиллар сифатида қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилдан бошлаб ишбилармонлик муҳити индексини баҳолаш учун яна икки таркибий қисм – йўллар сифати ва рақобат муҳити қўшилди.

Мутахассисларнинг фикрича, ишбилармонлик фаоллиги индекси ва ишбилармонлик муҳити индекси кўрсаткичлари бозор ислоҳотлари изчиллик билан амалга оширилаётгани ва иқтисодиёт эркинлаштирилаётгани, ишбилармонлик муҳити яхшиланаётгани, рақобат кучайиб, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

**Сардор ТОЖИЕВ**

***Шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференция юзасидан чет эл илмий жамоатчилиги вакиллари мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналарига ўз фикр-мулоҳазаларини йўллашмоқда.***




# «ЎЗБЕКИСТОН АСРЛАР ДАВОМИДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МАДАНИЯТ МАРКАЗИ БЎЛИБ КЕЛГАН»

**Япония Миллий астрономик расадхонаси Астрофизика департаменти директорининг ўринбосари Такаши Ито:**

— Ўзбекистон асрлар давомида илм-фан, таълим-тарбия ва маданият маркази бўлиб келгани баробарида, жаҳон цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, XIV-XV асрларда буюк астроном ва математик Мирзо Улуғбек шу заминда яшаб, илмий фаолият билан шуғулланган. Унинг асарлари ҳамда астрономияга оид жадвалларидан Европанинг кўпгина олимлари кенг фойдаланишган. У илмий ишлари билан кифояланиб қолмасдан, расадхона ҳам бунёд этгани ҳолда, астрономия ривожига бебаҳо ҳисса қўшган.

Япония Миллий расадхонаси Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Мирзо Улуғбек номидаги астрономия институти билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётганига 10 йилдан ошди. Биз ноёб атмосфера шароити ва жўғрофий жойлашуви туфайли астрофизик объектларни кузатиш учун муҳим маскан ҳисобланадиган «Майданак» обсерваториясида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқдамиз.

Самарқандда бўладиган халқаро конференция ишида мен осмон ёритқичларини ўрганиш соҳасидаги илмий муваффақиятлар юзасидан ўзаро фикр алмашиш ҳамда Ўзбекистон илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш ниятидаман.

**Токио университети профессори Гакугеи Харуо Кобаяши:**

— Ислом фалсафаси тарихи бўйича мутахассис бўлганим боис мен ҳудуди башарият цивилизациясининг кўҳна ўчоқларидан бири ҳисобланадиган Мовароуннаҳрдаги буюк олимларнинг кўпгина илмий ишларини ўрганганман. Шарқ марвариди – Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган йирик халқаро конференцияда қатнашиш мен учун катта шараф.

Маълумки, ўзбек заминида яшаган ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк олимлар илм-фаннинг барча соҳалари ривожига бебаҳо ҳисса қўшган. Уларнинг ишлари ҳозирги пайтда ҳам улкан аҳамиятга эгадир. Улар бизларга ноёб илмий мерос қолдирган.

Самарқандда бўладиган халқаро конференция ҳам ўзбек халқининг буюк аждодлари илмий меросини ўрганишга, шунингдек, мамлакатда интеллектуал жиҳатдан ривожланган авлодни тарбиялаш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юксак эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди. Бунда илм-фан ва таълим ривожланишига ҳамда бебаҳо маданий меросни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳурматга сазовордир.

**Токио университети профессори Масата Такешита:**

— Қадим даврлардаёқ бугунги Ўзбекистон ҳудудида илм-фан, маданият ва санъат ривожланган. Жаҳон илм-фани хазинасига катта ҳисса қўшган бу заминнинг буюк олимлари ва мутафаккирлари номлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам машҳурдир. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ҳадисшунослик ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонга бориш менинг орзуим эди. Мен шундай муҳим тадбирга таклиф этилганим учун Ўзбекистон ҳукуматидан миннатдорман. Юзлаб олим ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий фаолиятига бешик бўлган, бой тарихий ва маданий меросга эга Самарқанд шаҳрига сафаримни интиқлик билан кутаяпман.

**«Жаҳон» АА**
**Токио**

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

# АДОЛАТ ВА МАНЗИЛЛИЛИК — БОШ МЕЗОН

Унда депутатлар ва сенаторлар, «учинчи сектор» вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташқи ва ички аудиторлик текшируви натижалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизни жадал ривожлантириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда манфаатлар тенглигини таъминлашга кўмаклашмоқда. «Учинчи сектор»ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми, хусусан, давлат бюджетидан маблағ ажратилиши уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим рағбат бўлаётир.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари дастур ҳамда лойиҳаларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник ва иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун ажратилаётган маблағлар ҳажми мунтазам кўпайтириб борилаётганини таъкидлади. Масалан, 2013 йилда «учинчи сектор» вакилларининг 278 лойиҳасига давлат субсидиялари, ижтимоий буюртма ва грантлар шаклида 7 миллиард сўм ажратилди.

Шунингдек, марказ ва жойларда ижтимоий шерикликнинг самарали механизмларини мустаҳкамлаш, чунончи, таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида, баркамол авлодни шакллантириш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини янада демократлаштириш ва уларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги ижтимоий дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётир.

Жамоат фондининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жамиятда ижтимоий шерикликни кучайтириш учун ажратилаётган маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича мониторинг олиб боришга катта эътибор берилмоқда.

**(ЎзА)**

***Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 31 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар»дан келиб чиқиб, шунингдек, веб-технологиялар оламидаги сўнгги ютуқлар ва соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни сингдириш мақсадида 2014 йил 1 майдан бошлаб Давлат божхона қўмитаси Интернет тармоғида янги такомиллаштирилган веб-сайтини ишга туширди.***

## Ахборот технологиялари

# КЎПГИНА ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД

"Uzinfocom" маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва салкам 1 ой давомида синов режимида фаолият юритган сайтнинг янги версиясида ахборотлар 10 та бўлим ва 80 га яқин саҳифалар орқали фойдаланувчиларга тақдим этилади. Бунда ахборотларнинг тури ва йўналиши алоҳида инобатга олинган.

Энг муҳим жиҳатлардан бири шундаки, сайтга ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва жисмоний шахслар учун фойдали ахборотлар эндиликда алоҳида бўлимларда жойлаштирилган. Шунингдек, сайт орқали кўрсатиладиган 20 га яқин барча интерактив хизматлар ягона "Интерактив хизматлар" бўлимига бириктирилди.

Аввалги сайтдаги "Савол йўллаш" функциясига қўшимча равишда янги версияда божхона масалаларига бағишланган форум ҳам ташкил қилинмоқда. Аниқроғи, интернетдан фойдаланувчиларнинг давлат божхона хизмати органлари фаолиятига доир саволларига ўз вақтида тезкорлик билан жавоб қайтаришни йўлга қўйиш мақсадида UForum (www.uforum.uz) ижтимоий форумида Давлат божхона қўмитаси учун алоҳида бўлим очилиши ҳамда мазкур бўлимга кириш учун Давлат божхона қўмитаси веб-сайтининг янги версиясига жойлаштириш ишлари якунланмоқда.

Веб-сайтдан имконияти чекланган фойдаланувчилар ҳам фойдалана олишлари мумкин. Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, сайтнинг мобил версияси ҳам фойдаланувчилар ҳукмига ҳавола қилинмоқда.

Эндиликда жисмоний шахслар божхона чегараларини кесиб ўтиш чоғида тўлдирилиши лозим бўлган Т-6 шаклдаги божхона декларацияси бланкасини Давлат божхона қўмитаси веб-сайтдан кўчириб олишлари ва уни ўзларига қулай бўлган вақтда ва божхона постидан ташқарида (офис, иш жойи ёки уйда) исталган жойда тўлдиришлари мумкин.

Жисмоний шахслар божхона постларидаги баённомаларни тўлдириш устунларида навбат кутиш, ўзлари танлаган тилдаги бланкаларни излаш каби жузъий муаммоларга дуч келишмайди ҳамда йўловчиларнинг вақти тежалади. Т-6 шаклидаги божхона баённомасини электрон шаклда тўлдириш вақтида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўша вақтнинг ўзида тузатиш имконияти мавжуд.

Янги дизайндаги афзалликлардан бири шуки, саҳифаларнинг ишлаш механизмини соддалаштириш, маълумотларни даврий кетма-кетликда жойлаштириш ҳамда саҳифаларда ички рукнларни ташкил этиш имконияти мавжуд. Сайтнинг қидирув тизими ҳам такомиллаштирилган, шу билан биргаликда RSS янгиликлар тасмаси хизмати ҳам мавжуд.

Айни пайтда сайтнинг инглиз тилидаги версиясини ишлаб чиқиш устида ишлар давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, божхона органлари фаолиятини Интернет тармоғи орқали ёритишда Давлат божхона қўмитаси 13 йиллик тажрибага эга. Қўмитанинг www.customs.uz веб-сайти илк бор 2001 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўтган йиллар давомида 4 маротаба янгиланган.

Сайт фаолияти кенг жамоатчилик томонидан муносиб эътироф этилиб, UZ миллий домени Интернет-фестивалининг «Давлат бошқаруви соҳасидаги энг яхши сайт» номинациясида 2011 йилда 3-ўринни, 2013 йилда 2-ўринни қўлга киритди.

Сайт 2012 йил 6 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан №0902 сонли рақам билан оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# САНЪАТ ВА МАЪНАВИЯТ ТУТАШГАН НУҚТА

***Миллий кино санъатимизни изчил ривожлантириш, уни том маънода ёшларнинг ички дунёси, ижтимоий-маънавий ҳолатига ижобий таъсир этувчи омилга айлантириш бугунги куннинг талабидир.***

Мамлакатимизда ҳар йили юзга яқин фильм суратга олинмоқда. Ушбу фильмлар томошабинларининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, картиналарнинг ғоявий-бадиий савиясига, кўтарилаётган мавзуларга янада жиддий эътибор қаратиш зарурлиги аён бўлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ташкил этилган «Кино ва ёшлар» республика форумида шу каби масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Унда «Ўзбеккино» миллий агентлиги қошидаги бадиий кенгаш аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, кинорежиссёрлар, актёрлар, драматурглар, киношунос олимлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Форумнинг очилишида «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, ёзувчи Э.Аъзам, киношунос Ш.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бунинг учун зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда умуминсоний ғоялар тараннум этилган, ёш авлод қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда мустақил фикрлаши, ҳаётий қараш ва позициясини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, касбга йўналтириш, иқтидорини намоён этишига хизмат қиладиган фильмлар яратиш, кино ижодкорларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаёти, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини оширишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Форум доирасида мавзуга доир қизиқарли савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлди. Адабий сценарий – кино санъати асоси, кинодебют – дастлабки қадам, қисқа метражли кино, замонавий болалар киноси каби қатор долзарб мавзуларда мутахассислар ва ёшлар ўзбек миллий кинематографиясининг бугунги ҳолати ва истиқболлари хусусида фикрлашди.

Драматургия ва режиссурани ривожлантириш, кадрларнинг билим ва малакасини ошириш, уларнинг тажриба алмашишига имкон яратиш, ёш ижодкорлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этиш, таълимда «Устоз-шогирд» анъанасини йўлга қўйиш, зарур дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда методик материаллар яратиш масалалари ўртага ташланди. Болалар киносини ривожлантириш ёшларимизни Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига ҳурмат ва муҳаббат руҳида камол топган авлод бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинди.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин. Шундай экан, мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқлар теран таҳлил этилган, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти очиб берилган, моддий ва номоддий меросимиз кенг талқин қилинган кино асарлар воситасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга.

– Болаларни мушоҳада юритишга чорлайдиган, онги ва тафаккурини бойитадиган, қалбида ватанпарварлик, эзгулик, меҳр-муҳаббат туйғуларини қарор топтирадиган асарлар кўпроқ яратилишини давр талаб қилмоқда, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Сирожиддин Рустамов.

Форум давомида кейинги йилларда яратилган бир қатор бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Ушбу фильмлар ижодкорлари билан суҳбатларда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Кино санъатининг сеҳрли олами, фильм яратилиши учун асос бўлган ғоянинг санъат асарига айланишигача бўлган жараён ҳақида билимини бойитди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

***Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Тинчлик бўлсин дунёда» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.***

# ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДУНЁДА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга узоқ йиллар соҳада фаолият кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар ёши улуғ инсонларга давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, баркамол авлодни тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларнинг бардавомлигига эришиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони уруш фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Шундай дориломон кунларга етказганига минг бора шукр қиламан, – дейди 86 ёшни қаршилаган тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Маҳмудова. – Президентимиз таъкидлаганидек, бундай фаровон ҳаётни, юртимиздаги тинчлик-тотувликни кўз қорачиғидай асраш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри актёрлари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари барчага завқ-шавқ бағишлади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**



*Тинчлик ва осуда ҳаёт — энг олий неъмат.*

**(ЎзА) олган сурат**

# КЕКСАЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

***Азал-азалдан халқимизда ўтганларни ёд этиш ва кексаларни қадрлашдек ажойиб бир удум борки, у асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бу хайрли одат давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг янада ривожланди.***

Мамлакатимизда ҳар йили 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Шу кунлари юртимизнинг барча гўшаларида истиқомат қилаётган кексалар, меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, нуроний отахону онахонларнинг ҳолидан хабар олинади. Улар учун байрам дастурхони ташкил этилиб, кўнгиллари шод этилади.

Худди шундай тадбирлардан бири Миробод туманида бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирга ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, нуроний отахону онахонлар таклиф этилди. Уларнинг барчаси Истиқлол шарофати билан эришилган дориломон кунларга шукроналар айтиб, Ватанимиз равнақи, эл-юрт осойишталиги, эзгу ишларимиз ривожи учун қўлларини дуога очишди.

– Бугунги файзли ва осойишта кунларни кўриб кўзимга ёш келади, «наҳотки, биз ҳам мана шундай тинч, осойишта, тўкин-сочин замонларда яшамоқдамиз», дейман ўзимга ўзим, – дейди 93 ёшни қаршилаган Мажид бобо Бердиев. – Жуда кўп қийин кунларни кўрдик, не-не азоб-уқубатларни бошдан ўтказмадик. Худо умр берган экан, яхши кунларни кўриш ҳам насиб этди. Ҳаётимнинг сўнгги 23 йили хотиржамлик, қувончу шодликда ўтмоқда, бундан бошим осмонда. Бизга шунчалик эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Юртбошимиздан миннатдормиз. Доимо элимиз аҳил-иноқликда яшасин, Истиқлолимиз абадий бўлсин.

Тадбир давомида истеъдодли санъаткорлар томонидан ижро этилган мумтоз куй ва қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# СПОРТ ФАХРИЙЛАРИ ҚУТЛАНДИ

***Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» тантаналар уйида Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир ташкил этилди.***

Унга мамлакатимиз спорт тараққиётига ҳисса қўшган, ғалабалари шарафига жаҳон майдонларида юртимиз мадҳияси янграган спорт фахрийлари, мураббийлар, педагоглар ва олимлар, спорт ва санъат усталари таклиф этилди.

Спорт фахрийлари ва мураббийлар бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашиб, шонли ғалабаларини эсга олишди. Таниқли санъат усталари Муножот Йўлчиева, Мансур Тошматов, Ғиёс Бойтоев, Шуҳрат Дадажонов, «Сурхон» гуруҳи ижросидаги жозибали куй ва қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

— Истиқлол шарофати билан шундай дориломон кунларга етиб келганимизга беҳад шукроналар айтаман, — дейди оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа рекордчиси, кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби Эркин ака Каримов. — Биз фахрийларни доимо давралар тўрига таклиф этишади, юртимизда яратиб берилган шарт-шароитларнинг самараси ўлароқ ёш спортчиларнинг оламшумул ғалабаларини кўриб кўнглимиз тоғдай кўтариляпти.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

***Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган бир аср давомида умумбашарият маънавиятига улкан ҳисса қўшган санъат дарғалари етишиб чиққанки, уларнинг номларини фахр билан эсга олган ҳолда ҳар бири тўғрисида узоқ гапирсак ҳам камлик қилади назаримизда.***

# МУХЛИСЛАР ҚАЛБИДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Бугун ўзининг бетакрор роллари билан мухлислар қалбидан абадий жой олган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Пўлат Носировнинг хотирасини ёдга олдик. Унинг ушбу театрдаги ижодий фаолияти ниҳоятда ранг-баранг бўлган.

Устоз санъаткор томонидан яратилган кўплаб катта-кичик образларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, санъаткорнинг нақадар юксак маҳорат эгаси бўлганлигидан далолат беради.

Биргина «Ибн Сино» спектаклидаги шоҳ Маъмун, «Дарахтлар тик туриб жон беради»даги профессор, «Нексия»даги маҳалла раиси образларининг ўзиёқ мухлислар хотирасида абадий муҳрланиб қолган.

Пўлат Носиров серқирра ижодкор бўлиб, у Ўзбекистон радиосида ҳам сухандонликни муваффақият билан олиб борган. Устоз санъаткорни Тошкент кимё-технология институтидаги педагоглик фаолияти ҳам самарали бўлган. Пўлат Носиров томонидан ёзилган услубий қўлланмалар, илмий асарлар таҳлил қилиниб институт томонидан унга фахрий профессор унвони берилган.

Пўлат Носиров ҳаётда инсонларга хушмуомала, миллатимизга хос бўлган самимийлик, юксак маданият, одоб соҳиби бўлган. Устоз санъаткорнинг ёрқин хотираси барча санъатсеварлар қалбида яна узоқ йиллар сақланиб қолади.

**Обиджон УСМАНОВ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тингловчиси**

***Ўзбекистон илм-фани ва таълими заҳматкаши, олим ва электр энергетика соҳаси бўйича иқтидорли педагог, техника фанлари доктори, профессор Хуршид Каримов номини бугун уни таниган, билган инсонлар, сафдошлари, шогирдлари чуқур ҳурмат билан тилга оладилар.***

# УМР МАЗМУНИ

Х.Каримов 1940 йили Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. 1957 йилда ўрта мактабни тугатгач, техника фанларига бўлган иштиёқ туфайли Москва Энергетика институтига «Электр юритма ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш» мутахассислиги бўйича ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида электр юритмалар бўйича илмий мактаб асосчилари, таниқли профессорлар А.Головен ва Д.Морозов ҳамда уларнинг шогирдлари, профессорлар М.Чиликин (МЭИ ректори), А.Сандлер, М.Соколов ва бошқалардан таълим олди. Уларнинг илмий фаолияти таъсири остида ёш Хуршид Каримовда илмий тафаккур асослари ва илмга бўлган алоҳида муносабат шаклланди.

1963 йили институтни тамомлагач, илмий ва педагогик фаолиятини Тошкент Политехника институтида (ҳозирда Тошкент Давлат техника университети) бошлаб, ассистентдан профессоргача бўлган йўлни босиб ўтди, кўп йиллар энергетика факультетида декан ўринбосари ва декан лавозимларида ишлади.

1966 йили профессор А.Сандлер раҳбарлигида Москва Энергетика институтининг «Электр юритма ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш» кафедраси аспирантурасига ўқишга кирди ва 1970 йилда ўзгарувчан токда ишловчи катта қувватли автоном ростланувчан электр юритмалари мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Шундан кейин 1977-1978 йилларда Буюк Британия университетларида илмий тажриба орттирди, у ерда электр машиналари ва юритмалари соҳасидаги замонавий технологиялар ва таниқли олимларнинг ишлари билан яқиндан танишди. 1985-2006 йилларда Тошкент Давлат техника университетида «Саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминоти» кафедраси мудири лавозимида ишлади. Унинг раҳбарлигида кафедра профессор-ўқитувчилари Ўзбекистоннинг энергетика тизими ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун минглаб энергетик мутахассислар тайёрлаб берди. Олим ўз педагогик фаолияти даврида ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида лабораториялар базасини тубдан янгилаш ва доимий бойитиб бориш ҳамда дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларни чоп этишга катта эътибор берган. 1997-2004 йилларда Х.Каримов Олий таълим муассасаларида янги таълим технологияларини жорий этишга оид Tempus-TACIS дастури бўйича иккита халқаро лойиҳаларнинг масъул ходимларидан бири бўлган. Ушбу лойиҳаларни бажариш даврида янги курслар ташкил этиш ва тажриба алмашиш мақсадида Греция, Германия, Италия мамлакатларида кўп маротаба бўлган.

Изланувчан олимнинг методи асосида ишлаб чиқилган қутблари ўзгарувчан чулғамли икки тезликли асинхрон машиналар Россия, Украина, Германия, Швейцария, Туркияда тўлиқ саноат синовларидан муваффақиятли ўтиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. У 3 та монография, 58 та ихтиро ва 160 дан зиёд илмий мақолалар ҳамда ўқув қўлланмалари муаллифидир.

Изланувчан олим ўзгарувчан токда ишловчи мужассамлашган ва қутблари ўзгарувчан чулғамларни ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистонда илк бора илмий мактаб яратди ва унинг ишлари дунё олимлари томонидан тан олинди. Унинг раҳбарлигидаги мактабнинг илмий фаолияти ютуқлари 2003-2010 йилларда бажарилган, давлат бюджети томонидан молиялаштирилган битта фундаментал, иккита амалий ва битта инновацион илмий лойиҳаларда ва ўндан ортиқ хўжалик шартномаларида акс этган. Бугун заҳматкаш, тиниб-тинчимас устознинг шогирдлари техника фанлари доктори, профессор М.Бобожанов ва техника фанлари номзодлари, доцентлар А.Азизов, Ю.Тупогуз ва Д.Рисмуҳамедовлар у бошлаган илмий тадқиқотларни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Илмда ва ёшларни тарбиялашдаги хизматлари учун Х.Каримов «Ишдаги яхши ютуқлари учун», энг яхши педагог сифатида «Техника таълими фидойиси» ва бошқа кўпгина йўналишлар бўйича Фахрий ёрлиқ, диплом ва юксак касбий мукофотлар билан тақдирланган.

Таниқли олим ва истеъдодли педагог Хуршид Каримов хотираси яқинлари, шогирдлари, ҳамкасблари ва уни таниган барча инсонлар қалбида умрбод қолади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Хотира ва қадрлаш — муқаддас туйғу.**

* * *

**Биз аждодларни қанча улуғласак, авлодлар ҳам бизни шунчалик улуғлаши шубҳасиз.**

* * *

**Хотира — инсоннинг пок қалбидаги буюк ҳислардан бири.**

* * *

**Ёшлар орзу билан яшайдилар,**
**Кексалар хотира билан.**

* * *

**Кўпни кўрган кўп ҳикмат билар.**

* * *

**Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.**

* * *

**Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,**
**Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.**

* * *

**Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,**
**Буни тушунарсан қариган чоғинг.**

* * *

**Ёшликда йилларни аямай совурган қариликдаги лаҳзаларни ҳисоб-китоб қилади.**

* * *

**Кексаларнинг ҳаёти ибрат.**

* * *

**Мазмунли умр қанча узоқ бўлса, шунча яхши.**

* * *

**Умрнинг ҳар бир палласи, айниқса, кексалик ибрат мактабидир.**

* * *

**Ўтмишни ўрганган келажакни тез кўради.**

* * *

**Жасоратли одамларнинг қисқа умрларидан мангуликлар қолган.**

* * *

**Қариси бор уйнинг зари бор.**

* * *

**Қари уйнинг фариштаси,**
**Саранжому сариштаси.**

* * *

**Кексаликни донолик безар,**
**Ёшликни–камтарлик.**

